

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАКИЕВА ХИЛОЛА САПАЕВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**  
**ОРҚАЛИ НУТҚ ВА ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**  
**(педагогика фанлари)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД– 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Бакиева Хилола Сапаевна**

Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириш методикаси..... 3

**Бакиева Хилола Сапаевна**

Методика развития речи и мышления учеников начальной школы посредством самостоятельного образования..... 21

**Khilola Sapayevna**

The method of development of pupils speech and thinking in elementary school through independent study..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАКИЕВА ХИЛОЛА САПАЕВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**  
**ОРҚАЛИ НУТҚ ВА ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**  
**(педагогика фанлари)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД– 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped191 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хусанбоева Қундузхон Парпалиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Хамроев Ғофур Ҳасанович**

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD..28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.)

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Р. Ураков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.д.(PhD)

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида давлат ва жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралаётган таълим мазмунида тил ва тафаккур уйғунлигига эришишнинг инновацион технологиялари орқали таълим самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Япония, Германия, АҚШ, Россия Федерацияси, Канада каби дунёнинг ривожланган мамлакатларининг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида лингвистик компетенцияларнинг назарий ва амалий масалалари етакчи ўринда туради. “Инновацион педагогик технологиялар воситасида ўқитишни тубдан яхшилаш” муаммоси БМТнинг таълим, фан ва маданият масалаларига доир Битимида ҳам долзарб вазифа сифатида белгиланган<sup>1</sup>.

Таълим тизимининг дунё амалиётида ўқитиш методикасини индивидуаллаштириш ва компетенциявий ёндашувлар интеграцияси асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга таълим сифатини таъминлашнинг етакчи омили сифатида қаралади. Хусусан, лингвистик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш технологияларини, тил таълимини тизимли тарзда ташкил этишнинг методологик асослари юзасидан олиб борилаётган илмий изланишлар нутқ ва тафаккурни ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг, шунингдек, интерфаол таълимни медиатеchnологиялар воситасида ташкил этишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикаимиз таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, атрофдаги воқеликка онгли муносабатда бўлиш, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларини, нутқ ва тафаккурини ривожлантириш, юксак маънавиятли баркамол шахсни камол топтириш соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида бошланғич таълим тизимидан бошлаб илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг миқёсда қўллаш заруратини юзага келтирди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган “мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>2</sup> вазифаси шахснинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва

<sup>1</sup> ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. –Т.: Адолат, 2004. –Б. 19-62.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. –Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжати, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

муваффақиятли иштирокини таъминлашга замин яратади. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш қайд қилинган мазкур фармон бошланғич таълим тизимида ҳам ўқитиш сифатини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсон ҳаётида нутқ ва тафаккурнинг ўрни ва роли ҳамда мустақил фикрлаш маданияти ва у билан боғлиқ билиш жараёнини фаоллаштириш муаммоси Кайковус, Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топган. Тил таълимида мустақил ишлар, луғат устида ишлаш, нутқ ўстириш Й.Абдуллаев, Қ.Абдуллаева, К.Қосимова, А.Ғуломов, М.Асқарова, Т.Ниязметова, С.Матчонов, Қ.Хусанбоева, Ш.Юсупова, Р.Сафарова, А.Ҳамроев, Ф.Ўринова, У.Машарипова каби педагог олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Таълимнинг турли босқичларида нутқ маданиятини шакллантириш, нутқий фаолият масалалари МДҲ давлатларининг С.П.Редозубов, К.Э.Безукладников, Т.Г.Рамзаева, Т.П.Малявина, Л.В.Абакумова, Н.Ф.Титова, А.Ф.Бойцова, И.А.Зимняя, А.С.Егорова, В.К.Буряк, А.Н.Васильева, В.В.Гербова, Л.С.Виготский, Г.Н.Приступа, Т.И.Шамова, Н.Г.Дмитрук,

И.Г.Калинина, Т.А.Ладиженская, П.А.Грушников каби олимлари томонидан турли даражада ўрганилган.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил мулоқот юритиш кўникма-малакаларини шакллантириш Katya Sylva, Odima Leo Ekapten, Gail Ferguson каби хорижий олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, тил таълимида нутқ ўстириш ҳар хил нуктаи назардан ўрганилган бўлса-да, бошланғич синфларда мустақил ишлар орқали ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш махсус тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синфларнинг она тили таълимида мустақил ишлар орқали ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф она тили таълимида мустақил ишлар орқали ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ўзаро боғлиқликда ривожлантириш мазмунининг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

бошланғич синфларда ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш мезонларини таянч ва фанга оид компетенциялар асосида ишлаб чиқиш;

бошланғич синфларнинг она тили таълимида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил иш усулларини мотивацион, коммуникатив-когнитив ёндашув асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф она тили таълимида мустақил ишлар орқали ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** мустақил ишлар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш жараёни бўлиб, Тошкент шаҳридаги 26-, 91-, 319-, 119-, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 5-, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 40-, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 64- мактабларда тажриба синов ишлари олиб борилди. Умумий респодентлар сони 620 нафарни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** бошланғич синфларнинг она тили таълимида мустақил ишларни ташкил этиш орқали ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кузатиш, сўровнома, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, далиллаш, мустақил иш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларнинг она тили таълимида мустақил ишлар воситасида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш мазмунининг педагогик (педагогик тренинг, пинбоард, прагматизм, эргономика) ҳамда психологик (праксиология, перцептив) хусусиятлари интерактив ва технологик омиллар (off-line, операцион ўйинлар) таҳлили мисолида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга доир компетенциявий ёндашув мезонлари аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик, долзарблилик тамойиллари асосида тизимлаштирилган;

бошланғич синфларнинг она тили таълимида техник воситалар ёрдамида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш мазмуни, амалий ва натижавий таркиби мотивацион, коммуникатив-когнитив ёндашув асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси технологиялари ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган қарашлар, усуллар ва тавсиялар асосида электрон таълим ресурси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга доир мустақил ишларни ташкил этиш усуллари умумлаштирилган ҳамда унга мос дидактик талаблар ишлаб чиқилган;

бошланғич таълим тизимида она тили фанини янги педагогик технология воситасида ўқитишга қаратилган ўқув услубий қўлланма ҳамда битта монография нашр қилиниб, таълим амалиётига татбиқ этилган;

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда “Саводга ўргатиш 1” номли электрон таълим ресурси ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** мустақил ишлар орқали бошланғич синф ўқувчилари нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга оид маълумотлар республика ва хорижий олимлар тажрибаларига асослангани ҳамда расмий манбалардан олинганлиги, нутқ ва тафаккур кўникмаларини такомиллаштириш механизми яратилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва



тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда илгари сурилган назарий ғоялар ва услубий тавсиялар туфайли бошланғич синфларнинг она тили таълимида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга доир мустақил ишларни ташкил этишга муносабат ўзгаради, муаммо бўйича методологик ва услубий билимлар бойитилади, бошланғич таълим самарадорлиги ортади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга, хусусан, луғат бойлигини, боғланишли нутқининг таъсирчанлиги ва эмоционаллигини оширишга оид технологияларни такомиллаштиришга, шунингдек, бошланғич синфларнинг она тили дастури ва дарсликлари мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион таълим шароитида мустақил ишлар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш методикаси бўйича илмий натижалар асосида:

бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга оид таклифлардан умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 17 августдаги № 01/11-01/7-1967-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синфларнинг она тили таълимида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш бўйича методик таъминот такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик, долзарблилик тамойиллари асосида ривожлантиришга доир таклифларидан 2015 – 2017 йилларда бажарилган А- 1- 23 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижроси мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 июндаги 89-03-2445-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синфларнинг она тили таълимида ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг мотивацион, коммуникатив-когнитив мазмуни такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган натижадор ўқитиш метод ва технологияларига оид таклиф ва тавсиялар умумтаълим мактабларида

“Алифбе”, “Ёзув” фанларини ўқитиш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 17 августдаги № 01/11-01/7-1967-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришнинг ўйинли медиатеологиялари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 38 илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та (7 таси республика ва 1 таси хорижий журналда) мақола тарзида нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфларда мустақил ишлар орқали ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари”** номли биринчи бобида ўқувчилар нутқини ўстиришда нутқ ва тафаккур уйғунлигига эришишнинг илмий-назарий асослари, нутқ устида ишлашнинг ҳозирги ҳолати, унга қўйиладиган илмий-методик ва дидактик талаблар хусусида сўз юритилган. Жумладан, мазкур бобнинг “Нутқ ўстиришда тил ва тафаккур уйғунлиги” номли биринчи параграфиди узлуксиз таълим тизимида тил ва нутқни фарқлаб ўрганиш, она тили дарсларида нутқни ҳамда ижодий тафаккур интеграциясини таъминловчи билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, нутқий билим, кўникма ва малакаларни узвийлик ва узлуксизликда она тили сатҳлариаро алоқадорликда изчил ривожлантириш масалалари таҳлилга тортилади

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ҳам таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида “таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олиш” қайд этилган бўлса-да, кузатишлар бошланғич таълим она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш бўйича сўз ва иборалар устида ишлашнинг мазмуни ва шаклларида узвийлик ва узлуксизлик таъминланмаганлиги, лексик-грамматик машқлар бир тизим сифатида мукамаллик касб этмаганлигини кўрсатди. Бу ҳол “Она тили” дарсликларининг савол-топшиқларида ҳам, методик қўлланмаларда ҳам, ўқитувчилар фаолиятида ҳам аён бўлиб қолди. Она тилидан дидактик материаллар ўта даражада кам ва уларнинг борларини ҳам мазмунан талаб даражасида яратилган деб бўлмайди. Ўқитиш усулларининг тўғри белгилаб олинмаслиги, она тили ўқитишда дарсликдаги машқ шартларинигина бажариш, унинг ҳам нутқ ўстириш, мантикий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш бўйича талаб даражасида бажарилмаслиги ўқувчиларнинг тилни амалий ўзлаштиришларига салбий таъсир этмоқда. Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий савиясининг пастлиги, боз устига дарсларга алоҳида тайёргарлик кўрилмаслиги туфайли она тили ўқитиш даражаси жаҳон стандарти талабларига жавоб беролмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш”<sup>1</sup> вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилганлигига ҳамда бошланғич таълим узлуксиз таълимнинг кейинги босқичлари учун мустаҳкам замин яратишига қарамасдан, тил таълимида тафаккурни ривожлантирувчи ақлий фаолиятнинг анализ-синтез, таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш, далиллаш ва хулосалаш каби усулларига эътиборсизлик тил ва тафаккур уйғунлигига эришишнинг оғриқли нукталаридандир. Ҳолбуки, ўқувчилар мазкур усуллар ёрдамида ифодаланаётган нутқни гапларга, гапларни сўзларга, сўзларни бўғин ва товушларга ажратади, бу элементлардан сўз ҳақида бир бутун тасаввурга эга бўлади.

Бобнинг “Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш- педагогик муаммо сифатида” номли иккинчи параграфида она тили таълими стандарти талабларига кўра ўқувчининг борлиқ, жамият, воқеа-ҳодисалар ҳақида фикрлай олиши, эшитган, ўқиган маълумотларини англаши ва ўзининг фикрини тўғри, тушунарли, мантикий изчилликда баён эта олишида тилнинг лексик бирликларидан

---

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.//Баркамол авлод --Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.:Шарқ, 1997. -64б.

фойдалана билиш кўникмаларини шакллантириш она тили таълими дастури асосида ўқув материалнинг тўғри танланиши ҳамда ўқув топшириқлари тизимига боғлиқлигини, шу туфайли она тили дарсликларида грамматик мавзуларни бошланғич таълимда амалий аҳамиятидан келиб чиқиб танлаш ва изчиллигини такомиллаштириш, машқ матнларини янгилаб бориш, грамматик топшириқлар тизимини мукамаллаштира боришнинг педагогик-психологик хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Кузатишлар бошланғич синфларнинг она тили дарсликларига киритиладиган машқ материалларини қуйидаги мезонлар асосида танлаш ижобий натижалар беришини кўрсатди:

- машқ материалларининг боғланишли матн характерида бўлиши;
- ўрганилаётган тил билимини ўзлаштиришни таъминлаши ва мустаҳкамлаши;
- ўқувчилар ҳаёти билан боғлиқ ва ёшига мос бўлиши;
- давр тараққиётини ўзида акс этириши;
- таълимнинг шу босқичида ўқитиладиган фанлар билан боғланиши.

Муаммо юзасидан олиб борилган кузатишлар ўқитувчиларнинг дарс режаси ва конспектларида машқ шартларини бажаришдан нарига ўтилмаётганлиги, маъноси изоҳланадиган сўзлар изоҳи акс этмаётганлиги, савол-топшириқларда сўзларнинг маъно қирралари устида ишлашга эътибор берилмаётганлигини кўрсатди.

Тажриба-синов ишларига жалб қилинган мактаб ўқитувчиларининг айрим сўзлар маъносини “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан фойдаланмаган ҳолда изоҳлаб, хатога йўл қўйиши, машқ матнлари юзасидан берилган топшириқлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирмаслиги, мавжуд машқ матнлари асосида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш имкониятидан унумли фойдалана олмаслиги, сўзнинг шахс камолотидаги ўрни ҳамда нутқ ва тафаккурни ривожлантириш устида ишлаш усуллари ва йўналишларини яхши билмаслиги маълум бўлди.

Бизнингча, бошланғич таълимда ўқувчиларга лексикология юзасидан элементар тарзда назарий билимлар мазмуни белгилаб берилмаганлиги юқоридаги каби камчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бобнинг “Бошланғич синф она тили дарсларида сўз устида ишлашга қўйиладиган дидактик талаблар” номли учинчи параграфидан нутқ ўстириш масаласи таълимнинг ҳар бир босқичи учун муҳим вазифа бўлиб қолар экан, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борган тил материалларини ўзлаштириш ҳаётий зарурат эканлигига урғу берилади.

Нутққа мулоқот воситаси сифатида қўйиладиган аниқлик, тушунарлилик, образлилик, эмоционаллик, биринчи навбатда, нутқ лексикасига боғлиқдир.

Бошланғич синфларнинг она тили дарсликлари таҳлили машқ шартларида лексик-семантик характердаги топшириқлар жуда кам берилганлигини кўрсатди. Жамият тараққиёти ўқувчилар шахсига: тушунчаси ва дунёқарашига таъсир кўрсатишини ҳамда нутқи ва тафаккурини ривожлантира боришини ҳисобга олган ҳолда она тили дарсликларидаги ўқув матнлари ва лексик-семантик топшириқларни такомиллаштириб бориш таълим самарадорлигига хизмат қилади.

Ўқувчилар нутқини сўзлар билан бойитиш ўқитувчидан кўшимча ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни самарали метод ва усулларда амалиётга татбиқ этишни талаб этади. Ўқувчиларнинг адабий тилни эгаллашлари ва нутқини бойитишда бадиий адабиёт намуналарига таяниш, матндаги сўзларнинг маъноси, маънодош сўзлар, қарама-қарши маъноли сўзлар, уядош сўзлар, кўп маъноли сўзлар, поэтик сўзлар устида ишлаш, уларнинг услубий вазифасини аниқлаш, нутқда қўлланадиган таълим методларидан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқилиши она тили ўқитиш методикаси олдидаги долзарб вазифалардандир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф она тили дарсларида мустақил ишлар орқали ўқувчилар луғатини бойитиш методикаси”** деб номланади. Унинг “Бошланғич синфларда ўқувчиларни сўз маънолари билан таништириш усуллари” номли биринчи параграфида бошланғич синфларда сўзнинг фикр ифодасига кўра нутқда тутган ўрни ҳамда гапда турли маъно ва вазифаларда қўлланишидан келиб чиққан ҳолда сўз маъноларини тушунтириш усулларининг танланиши, бу борада она тили ва ўқиш дарсларида фаол нутққа киритиладиган, сўзларнинг маъносини ўқув луғатларидан топиб, ўқувчилар билан жамоа бўлиб изоҳлаш уларни мустақил фаолиятга ўргатишнинг муҳим омили сифатида кўздан кечирилади.

Тадқиқот мавзуси юзасидан олиб борилган тажриба-синов даврида сўз воситасида ифодаланган нарса-предметларни уларнинг белги-ҳаракати тасвирланган расмларни намойиш қилиш орқали оғзаки ва ёзма тавсифлаш, сўзни таркибий қисмларга ажратиб таҳлил қилиш, синонимлар танлаш, бадиий матнлар асосида омонимлар маъносини сўз бирикмаси таркибида изоҳлаш ижобий самаралар бериши аниқланди.

Она тили ва ўқиш китоби дарсликларидаги шеър, топишмоқ, мақол, тез айтиш, кўшиқларни, насрий асарлардан парчаларни ёдлатиш, она тили дарсларида ёддан ёзув диктанти олиш, ўқиш дарсларида ифодали ёд айттириш каби лексик машқлар ўқувчиларнинг ўқиш кўникмаларини такомиллаштиришга, сўзга муносабатини фаоллаштиришга ёрдам беради, луғатини бойитади, нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Дастурда берилган таълим мазмуни ҳамда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, 1-2-синфларда нарса ва шахсларнинг ўзига хос хилма-хил белгилари бўлиши, нарсалар ранги, мазаси, шакли, хиди, ҳажми, хусусиятларига кўра фарқланишига доир машқлар ва ўқув топшириқлари нутқ ўстиришда алоҳида ўрин тутди.

Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларни мантиқий машқлар воситасида ақлий фаолиятга йўллаш уларни кузатувчанликка ўргатади, тил таълимини онгли ўзлаштиришга, нарса ва ҳодисалар орасидаги ички боғланишларни англашга ёрдам беради.

Бошланғич синф она тили дарсларини кузатишимиз натижасида шу нарса аён бўлдики, мантиқий машқлар узвийлик ва узлуксизлик асосида ташкил қилинмаяпти ҳамда тегишли даражада ривожлантириб борилмаяпти. Мантиқий машқларни устида ишлашдан олдин, ўқитувчи дарсликдаги ўқув материалларининг мавзуси ва мақсадини белгилаши, кўргазмали қуролларни тайёрлаши ҳамда таҳлил усулини аниқлаб олиши лозим. Кузатишларга қараганда, 1-4-синфларнинг она тили дарсларида ташкил этиладиган мантиқий фикрлашга доир машқлар шакл ва мазмун жиҳатидан савод ўргатиш билан боғлиқ машқлардан фарқ қилмайди.

Ҳолбуки, Давлат таълим стандартида “она тили таълими олдида қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англаш ва фикр маҳсулини ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга” ўргатишдан иборат деб кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда она тили таълими “олдида ижтимоий жиҳатдан мукамал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахсни камол топтириш мақсади қўйилган”<sup>1</sup> лиги алоҳида қайд этилган.

Бобнинг “Сўз туркумларини ўрганишда луғат устида ишлашга доир мустақил ишларни ташкил этиш усуллари” номли иккинчи параграфидида луғат устида ишлашга алоҳида берилган сўзларни ўз ўрнига қўйиб, қўшимчалар билан бириктириб гап туздириш каби конструктив машқларни бажартириш, ўқувчилар нутқида кам қўлланадиган ёки умуман қўлланмайдиган сўзларни уларнинг нутқида киритиш, бу сўзларнинг маъносига диққат қаратиш таълимий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши, сўзларни мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлаб гап туздириш ўқувчиларни ўз фикрини тўғри баён қилишга тайёрлаши, бир хил сўзлардан тузилган гапларнинг мазмунидаги фарқларни изоҳлашга ўргатиш гапда сўзларнинг ўз ўрни борлигини, сўзларнинг тартибини ўзгартириш айтилаётган фикрнинг ўзгаришига олиб келишини фаҳмлаш кўникмасини ўстириши назарда тутилган.

---

<sup>1</sup>Бошланғич таълим бўйича янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти. -Т: “Бошланғич таълим” 2005, 5- сон.

Хусусан, луғат ишларини амалга ошириш, ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатишда тил материали устида ишлаш, тил бирликларини назарий маълумотларга таяниб таҳлил қилиш, сўз маъносини изоҳлаш ва тушунтириш билан чекланмасдан, рангли сюжетли расмлар ва табиат кўйнига саёҳат ҳам луғат захирасини бойитиш ва сўзлардан амалий фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишнинг муҳим шарти эканлигига диққат қаратилади.

Ранг ва бошқа белгиларни билдирувчи, ҳис-туйғу, муносабат, ахлоқий тушунчалар ва ҳолат ифодаладиган сўзлар устида олиб борилган луғавий ишлар, лексик машқлар ўқувчиларнинг мавзуга доир билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, луғат захирасини бойитишга хизмат қилади.

Луғат ишларига доир тил таълимида интеграциялашган дарслардан фойдаланиш, машқлар матнидаги маънодош сўзларни аниқлаш ва улар орасидаги яқинликни изоҳлашда турли таълимий ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини бойитишда ҳамда фаоллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Ўқувчида ақлий фаолиятни юзага келтирувчи усулларни қўллаб, мантиқий машқларни грамматик мавзу билан боғлиқ ҳолда ўқиш, табиат, меҳнат предметлари материалларидан фойдаланиб ташкил этиш ўқув предметлари аро алоқага мустаҳкам замин яратади.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчилар луғатини бойитиш амалиёти”** номли учинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ишлар воситасида сўз минимумини белгилаш тамойиллари, ўқувчилар луғатини бойитишда интеграциялашган дарсларни ташкил этиш технологияларини қўллаш ҳамда сўз устида ишлашга доир педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг статистик таҳлили кўрсаткичлари юзасидан илмий асосланган хулосалар чиқарилади.

Тажриба-синов ишлари 2012-2019 йилларида Тошкент шаҳридаги 26-, 91-, 319-, 119-, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 5-, Чиноз туманидаги 40-, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабларнинг бошланғич синфларида олиб борилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари «юқори», «ўрта», «паст» даражалар бўйича баҳоланди.

Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба синфларидаги натижаларнинг самарали эканлиги аниқланди.

Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар бўйича статистик таҳлил ишлари  $\chi^2$  мезони асосида олиб борилди ва қуйидаги натижалар олинди.

Бошланғич синфларда жами тажриба бошида 620 та, тажриба охирида 619 ўқувчи қатнашиб, қуйидаги натижаларга эришилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларнинг тажриба-синов аввали  
ва якунидаги натижалари**

№	Таълим муассасалари	Синфи	Синф	Сони	Баҳолаш даражалари		
					Юқори	Ўрта	Паст
	Тошкент шаҳридаги 26-91-, 319-, 119--мактаблар	2 синф	Тажриба	126	18	41	67
			Назорат	129	19	47	63
		3 синф	Тажриба	124	19	42	63
			Назорат	124	18	45	61
		4 синф	Тажриба	126	20	41	65
			Назорат	124	21	44	59
	Тошкент вилоятидаги 5-мактаб	2 синф	Тажриба	28	5	9	14
			Назорат	30	6	9	15
		3 синф	Тажриба	32	5	10	17
			Назорат	30	5	9	16
		4 синф	Тажриба	31	5	10	16
			Назорат	29	5	10	14
	Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 40-мактаб	2 синф	Тажриба	25	5	8	12
			Назорат	26	5	9	12
		3 синф	Тажриба	29	4	10	15
			Назорат	28	4	8	16
		4 синф	Тажриба	28	4	10	14
			Назорат	28	4	10	14
	Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 64- мактаб	2 синф	Тажриба	31	5	10	16
			Назорат	30	5	9	16
		3 синф	Тажриба	29	4	11	14
			Назорат	29	4	11	14
		4 синф	Тажриба	26	4	9	13
			Назорат	28	4	10	14
	Жами	2 синф	Тажриба	210	33	68	109
			Назорат	215	35	74	106
		3 синф	Тажриба	214	32	73	109
			Назорат	211	31	73	107
		4 синф	Тажриба	211	33	70	108
			Назорат	209	34	74	101


Тажриба-синов ишларининг назорат босқичида олиб борилган ишларнинг натижасининг статистик ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилди.

2-жадвал



Таълим муассасалари	Синфлар	Ўртача қиймат		Самардорлик	Танланма Дисперсия		Стандарт хатолик	
		ТС	НС		ТС	НС	ТС	НС
Тошкент шаҳридаги 26-, 91-, 319-, 119- мактаблар	2-синф	4,07	3,67	1,11	0,42	0,53	0,64	0,73
	3-синф	4,14	3,67	1,13	0,41	0,53	0,64	0,73
	4-синф	4,22	3,72	1,14	0,33	0,54	0,58	0,74
Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 5- мактаб	2-синф	4,21	3,70	1,14	0,38	0,61	0,62	0,78
	3-синф	4,19	3,67	1,14	0,40	0,56	0,63	0,75
	4-синф	4,26	3,66	1,16	0,39	0,50	0,62	0,71
Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 40- мактаб	2-синф	4,20	3,62	1,16	0,48	0,54	0,69	0,74
	3-синф	4,14	3,57	1,16	0,39	0,53	0,63	0,73
	4-синф	4,21	3,68	1,15	0,38	0,50	0,62	0,71
Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 64- мактаб	2-синф	4,16	3,67	1,13	0,39	0,56	0,63	0,75
	3-синф	4,21	3,72	1,13	0,30	0,48	0,55	0,69
	4-синф	4,23	3,68	1,15	0,41	0,50	0,64	0,71
Жами	2-синф	4,12	3,67	1,12	0,42	0,55	0,65	0,74
	3-синф	4,15	3,66	1,13	0,39	0,53	0,63	0,73
	4-синф	4,23	3,70	1,14	0,36	0,53	0,60	0,73


Олинган баҳолар натижаси диаграмма кўринишида келтирилади (1-расм).



1-расм. Тажриба-синов ишларига жалб қилинган ўқувчиларнинг нутқ ва

тафаккурини ривожлантиришга доир мустақил ишлари жараёнида олган баҳолари натижаси.

Қуйида барча таълим муассасаларининг ўртача қиймат бўйича диаграммасини келтирамиз. Бунда назорат ва тажриба синфларига нисбатан ўртача баҳо қийматлар келтирилган



**2-расм.** Тажриба бошида олинган баҳолар

Тажриба ва назорат синфларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида синфларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қийматини 
$$x = \frac{\sum x_i m_j}{N}$$
 формула орқали ҳисобланади. Бу ерда  $x_i$  – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар баҳолаш даражаларининг 3 (паст), 4 (ўрта) ва 5 (юқори) қийматларни қабул қилади.  $m_j$  - баҳоларнинг такрорланишлар сони,  $N$  - тажрибада иштирок этаётган ўқувчиларнинг сонини билдиради.

Ўртача қийматлар аниқлаш кўрсаткичлари сифатида

$$C_S^T = \frac{S_T}{\sqrt{N_T x}} \cdot 100\%; \quad C_S^H = \frac{S_H}{\sqrt{N_H x}} \cdot 100\%; \quad (1) \quad \text{формула} \quad \text{орқали}$$

ҳисобланиб, бу ерда  $N_T$  ва  $N_H$  лар орқали ҳар икки синфлардаги ўқувчилар сонини ва  $S_T = \sqrt{S_T^2}$  ва  $S_H = \sqrt{S_H^2}$  (2) лар орқали эса мос стандарт

хатоликларни белгиладик.  $S^2 = \frac{1}{N} \sum_i m_i (x_i - \bar{x})^2$  формула эса танланма

дисперсиясини ҳисоблаш формуласи ҳисобланади.

Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат синфлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффиценти

$$\eta = \frac{X_T^*}{X_H^*} \quad (3)$$

Бу ерда  $X_T^*$  - тажриба синфи баҳоларининг ўртача арифметик қиймати.  $X_H^*$  - назорат синфида ўзлаштириш баҳоларининг ўртача арифметик қийматидир. Бош тўпламларнинг номаълум ўрта қийматлари  $a_T$  ва  $a_H$  лар учун ишонч ораликлари:

$$\begin{aligned} a_T &\in \left[ \bar{x}_T - \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T; \bar{x}_T + \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T \right] \\ a_H &\in \left[ \bar{x}_H - \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H; \bar{x}_H + \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H \right] \end{aligned} \quad (4)$$

Бу ердаги  $t$  – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли  $p$  асосида аниқланади. Масалан,  $p=0,95$  деб олсак,  $t=1,96$ .

Ўрта қийматларнинг тенглиги ҳақидаги  $H_0: a_T = a_H$  гипотезани, унга қарама-қарши (альтернатив)  $H_1: a_T \neq a_H$  гипотеза олинди. Ушбу гипотезага нисбатан Стьюдентнинг

$$T = \frac{|\bar{x}_T - \bar{x}_H|}{\sqrt{\frac{S_T^2}{N_T} + \frac{S_H^2}{N_H}}} \quad (5)$$

- статистикаси орқали текширилди. Бунда агар  $T > T_{0,95}(k)$  бўлса,  $H_1$  қабул қилинади, акс ҳолда эса  $H_0$  қабул қилинади. Бу ерда  $k$  Стьюдент критерийси озодлик даражасидир:

$$K = \frac{\left(\frac{S_T^2}{N_T} + \frac{S_H^2}{N_H}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_T^2}{N_T}\right)^2}{N_T - 1} + \frac{\left(\frac{S_H^2}{N_H}\right)^2}{N_H - 1}} \quad (6) \text{ формула билан аниқланади.}$$

Олинган натижалардан тажриба синфларидаги ўзлаштириш назорат синфларидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги маълум бўлди. Тажриба синфларида самарадорлик натижаси 2-синфларда 12%, 3-синфларда 13%, 4-синфларда 14% ўсганини кўрсатди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги исботланди.

Ҳозирги таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш бўйича мультимедиа иловали инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида яратилган методик қўлланмалар таълим жараёнларига татбиқ қилиниб, ишлаб чиқилган дарс ишланмалари, методик кўрсатмалар ўқувчилар билим савиясининг сезиларли ошишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқот натижалари самарадорлигини ва методик тавсия ҳамда ишланмаларнинг илмий-педагогик нуқтаи назардан ишончилигини тасдиқлайди.

Мустақил ишлар воситасида ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш юзасидан респондент ўқитувчиларга тарқатилган анкета саволларига берилган жавобларда бирорта ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишларни ташкил этишда индивидуалликни ҳисобга олиш кераклигига эътироз билдирмаган. (Ўқитувчиларнинг 65% и дидактик материалларнинг бўлмаслиги иш турини ташкил этишда қийинчилик туғдиришини қайд этишган ҳамда мустақил ишларни ташкил этишда кўпроқ аълочи ўқувчиларда индивидуалликдан фойдаланишларини билдиришган. 63% ўқитувчилар аълочи ўқувчиларга мустақил иш учун мураккаб топшириқлар тавсия қилишларини, 15% ўқитувчилар аълочи ўқувчиларга мантиқий фикрлайдиган, фаҳмлайдиган, идрок эта оладиган, диққатини, хотирасини, фикрлашини ўстирадиган топшириқлар беришларини, 5% ўқитувчилар ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ топшириқлар тавсия қилишларини маълум қилишган.

Жавоблардан мустақил ишларни ташкил этишда турли мураккабликдаги ўз-ўзини ва ўзаро текширишга қаратилган топшириқлардан амалда фойдаланилмаётганлиги аён бўлди.

## ХУЛОСА

Бошланғич синфларнинг она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг нутқи ва тафаккурини ўстиришга йўналтирилган мустақил ишларни ташкил этиш юзасидан кўйидаги хулосаларга келинди:

1.ДТС мазмунида она тилидан ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар она тили дарсликларида лексик-семантик топшириқларнинг мантиқий изчиллиги, узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашни тақозо этади.

2.Бошланғич синфларнинг она тили дастурида тилнинг лексик бирликларига хос назарий тушунчаларнинг мазмуни тўла ёритилмаганлиги ўқувчиларининг луғат устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга доир “Изоҳли луғат“ ва лингвистик атамаларнинг изоҳли луғатини тузиш заруратини кўрсатди.

3.“Она тили” ва “Ўқиш китоби” дарсликларидаги кўпчилик бадиий матнларда эмоционаллик, тасвирийлик етишмаслиги туфайли матнлар таҳлилида уларнинг мазмунини бойитувчи луғавий бирликлар, иборалар, бирикмалар, тасвирий воситалар устида ишланмаслиги натижасида ўқувчилар мазкур матнларнинг лексик таркиби ва грамматик қурилишини қуруқ ёдлаб олиши ва айнан қайта тиклашининг сабаби, аввало, луғат захирасининг чекланганлиги билан изоҳланади.

4.Бошланғич синфларнинг она тили дарсларида тилнинг грамматик қурилишини назарий таҳлил қилиш билан чекланилаётгани, луғат устидаги ишларда изчилликнинг йўқлиги, билим беришда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда мантиқий фикрлашга йўналтирилган савол-топшириқлардан фойдаланилмаётганлиги, матн ва гапларнинг грамматик қурилиши, лексик таркиби устида ишлашда ўқувчиларнинг мустақил мантиқий фикрлашларини таъминлайдиган ақлий фаолият усуллари ишга солинмаётганлиги, лексик бирликлар устида ишлашга мунтазам ўргатиб борилмаётганлиги нутқ ва тафаккур уйғунлигига салбий таъсир кўрсатаётгани аниқланди.

5.Бошланғич синф она тили дарсликларида лексик-семантик топшириқларнинг мантиқий изчиллиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, ўқувчилар луғатидан ўрин олиши лозим бўлган сўзларни белгилашга масъулият билан ёндашиш синфлар кесимида ўзлаштирилиши зарур бўлган сўзлар минимумини белгилашни тақозо этади.

6.Ўқитувчилар дарсликдаги ўқув материаллари устида ишлашда она тилидан назарий маълумотларни тушунтиришга зўр беришлари туфайли, бир ёқламаликка йўл қўйилаётганлиги, машқ матнларининг бадиий жиҳатдан нисбатан саёзлиги, дарсликларда луғавий таҳлилга эътиборнинг камлиги, ўқувчилар луғат захирасига бефарқлик, лексик таҳлилга доир қўшимча

материалларга, луғат устида ишлашга эътиборсизлик бошланғич синф ўқувчиларининг тилнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаслигига сабаб бўлмоқда.

7.Бошланғич синфларнинг она тили таълимидаги анъанавий ўқитиш усуллари тилни назарий ўргатишга йўналтирилганлиги, тил материалларининг грамматик ва орфографик жиҳатдан ўқитувчилар ёрдамида таҳлил қилиниши, ҳатто тилнинг лексик қатлами дарсликка киритилган машқлар шартига кўра таҳлил қилиш билан чекланилганлиги ўқувчилар нутқи ва мантиқий тафаккурини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

8.Таълим босқичларида юқори даражада ривожланган оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш ўқувчиларнинг чуқур билим олишларига имконият яратибгина қолмай, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмасини ҳам шакллантиради.

9.Бошланғич синфларнинг она тили таълимида оммавий ахборот воситалари, турли расмлар, ўқитувчи нутқи, радио эшиттиришлари, телекўрсатувлар, ахборот технологиялари ва атроф-муҳитни кузатишдан ўқув материали сифатида унумли фойдаланиш ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, дунёқарашини шакллантириш, ҳис-туйғусини тарбиялаш, тил ҳодисаларининг хусусиятларини англашишда муҳим ўрин тутади.

10.Она тили дарсларида тилнинг луғавий бирликлари устида ишлаш, топишмоқ, мақол ва шеърини парчалар матнининг грамматик мавзу билан боғлиқ лингвистик таҳлили ўқувчилар луғатини бойитади, ақлини чархлайди, кузатувчанлик, зийраклик, топқирлик кўникмаларини шакллантиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**БАКИЕВА ХИЛОЛА САПАЕВНА**

**МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ РЕЧИ И МЫШЛЕНИЯ УЧЕНИКОВ  
НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ ПОСРЕДСТВОМ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (узбекский язык)**

**автореферат диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Самарканд – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Ped191.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хусанбоева Кундузхон Парпалиевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Хамроев Гофур Хасанович**  
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

**Ведущая организация:** **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по № \_\_\_). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылка № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Х.И.Ибраимов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней, PhD п.н.

**Н.Ш.Шодиев**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор  
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н. проф.



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В научных центрах и высших образовательных учреждениях развитых стран мира, таких как Япония, Российская Федерация, Канада, Китайская Народная Республика, Германия, США серьёзное внимание уделяется вопросам теоретических основ языка и мышления, и в связи с этим на роль и место лингвистических компетенций. «Проблема коренного улучшения качества образования путем внедрения инновационных педагогических технологий» определена в Соглашении ООН по вопросам образования, науки и культуры как актуальная задача<sup>1</sup>.

В отношении технологий совершенствования и развития лингвистических компетенций, совершенствования методологических основ системной организации профессиональной направленности языкового образования научные исследования, проводимые в мировом масштабе, приобретают важное значение для повышения эффективности развития речи и мышления, организации интерактивного обучения на основе медиатехнологий, а также совершенствования осуществляемого дидактического обеспечения.

Развитие таких качеств, как самостоятельное мышление учащихся, сознательное отношение к окружающей реальной действительности, причастности и социальной активности, совершенствование высококультурной развитой личности в качестве важного фактора становления здорового поколения в образовательных учреждениях нашей республики, в особенности начиная с системы начального образования, привело к необходимости широкого применения передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий. Задача «воспитание физически здоровой, духовной и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»<sup>2</sup>, определенная в «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» создаст предпосылки для формирования интеллектуального потенциала личности, обеспечения активного и успешного участия в социальной, политической, культурной, духовной жизни общества. Данный Указ, определяющий продолжение пути дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, подготовки высококвалифицированных кадров, соответствующих современным

<sup>1</sup> Зарубежные нормативные акты ЮНЕСКО // Ответственный редактор узбекского издания Саидова Л. –Т.: Адолат, 2004. – Стр.19-62.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы». Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. 2017 год, № 6, 70 статья.

потребностям рынка труда, создание эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений, также предполагает совершенствование качества преподавания в системе начального образования.

Исследование данной диссертации на определенном уровне будет служить для осуществлении задач, указанных в Законе Республики Узбекистан от 14 сентября 2016 года № ЗРУ-406 «О государственной молодежной политике», Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», от 25 января 2018 года № УП-5313 «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», от 29 апреля 2019 года № УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 августа 2018 года № ПП-3907 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания», а также задач, определенных в других нормативно-правовых актах.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Роль и место речи и мышления человека, культура самостоятельного мышления и связанная с ней проблема активизации процесса познания нашли свое отражение в произведениях таких мыслителей, как Кайковус, Фаробий, Махмуд Кошгарий, Юсуф Хос Хажиб, Алишер Навои. Самостоятельная работа, работа со словарем, развитие речи в языковом образовании исследованы такими учеными, как Абдуллаев Й., Абдуллаева К., Косимова К., Гуломов А., Аскарлова М., Ниязметова Т., Матчонов С., Хусанбоева К., Юсупова Ш., Сафарова Р., Хамроев А., Уринова Ф., Машарипова У.

Вопросы совершенствования речевой культуры на различных этапах образования, речевой деятельности изучены на различных уровнях такими учеными стран СНГ, как Редозубов С.П., Безукладников К.Э., Рамзаева Т.Г., Малявина Т.П., Абакумова Л.В., Титова Н.Ф., Бойцова А.Ф., Зимняя И.А., Егорова А.С., Буряк В.К., Васильева А.Н., Гербова В.В., Выготский Л.С., Приступа Г.Н., Шамова Т.И., Дмитрук Н.Г., Калинина И.Г., Ладыженская Т.А., Грушников П.А.

